ҲАР ТУП ҒЎЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИГА ҚОНСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 96 (4343).

15 МАЙ ЖУМА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

МЎЛ ҲОСИЛ ЖОНКУЯРЛАРИ

ТУИТЕПА, (Уз мухбиримиздан). Ҳозир далаларда иш қизғин. Қай томонга қараманг, тракторларнинг тинимсиз ҳайқиришини эшитасиз, одамларнинг ғўза қатор, ораларида ишлаётганларини кўрасиз. Ҳамма ҳаракатда, мўл ҳосил олиш пайида, иштиёқида.

Узоқдан қир тепасидаги дала шийпони,- пастга қиялаб кетган ерлардаги яшил квадратлар кўзга яққол ташланади. Яшил ниҳоллар кўзларни қувонтиради, кишининг ҳавасини келтиради. Бу далалар «Ленин йўли» колхозининг. Шакар Ғафуров бошлиқ бригадасига карашли.

Колхозда ҳам, бригадада ҳам ўтган йилга нисбатан чигит бир ой олдин экилган. Бироқ ҳавонинг паст келиши, кун исимагани учун ғўзанинг ривожи кўнгилдагидек эмас. Ер нами билан чигит бир текис униб чиққан бўлса ҳам ердан бағрини кўтаролмай узоқ турди. Бригада аъзолари ғўзанинг нормал ривожланиши учун қандай тадбирлар кўриш тўғрисида ўйлай бошладилар. Улар ғўзани тезроқ культивация қилиш, ерларни бот-бот юмшатиб туриш, қатор оралари кенгроқ очиб ерни қиздиришга алоҳида эътибор бердилар. Ғўза тезда кўндалангига қирқилиб, бултур чигит экиш тамом бўлган кунда бу йил ягона тамомланди. Ҳозиргача қатор оралари кўндалангига икки, узунасига бир марта культивация қилиб чиқилди. Бу билан илдиз чиришга йўл қўйилмади.

— Ҳозирги вақтда пахтакорларнинг иши ниҳоятда масъулиятли. Чунки айни пайтда тўла гектарлар ҳосил қилиниши, белгиланган миқдорда кўчатга эга бўлиш лозим. Бусиз бригадамизда 27,7 ўрнига 30 центнердан ҳосил олиб бўлмайди. Биз шу мақсадда ягона ўтказдик, энди ғўзани ўғитлаб сугориш учун тайёрлик кўряпмиз,— деди Шакар Ғофуров.

Шарофат Худойбердиева бошлиқ бригададаги қизлар ҳам диққатга сазовор. Бу бригадада кўндалангига культивация қилиш билан бирга ғўзага ўғит ҳам солиниши бошқалардан алоҳида ажралиб туриши. Бригада аъзолари ғўзани эрта озиқлантириш керак, деган сўзга қаттиқ амал қилмоқдалар.

Ғўза эрта озиқлантирилса-ю, сугориш кечиктириб юборилса, унинг нафи кам бўлади. Агротехсовет аъзолари кўп йиллик тажрибага қараб шундай хулосага келганлар ва ўғит берилган пайкалларни пешма-пеш сугоришни тавсия этганлар. Шарофат Худойбердиева бошлиқ бригада аъзолари мана шунга амал қилиб ўғит солинган ерларни сугориш учун тайёргарлик кўришяпти.

Ҳаво паст келганлиги учун ёш ниҳолларга унча-мунча шира ҳам туша бошлади. Шунинг учун даладаги қирқлан ортиқ тракторларга дуст солинган халталар осиб қўйилган.

Ғўзанинг говлаб кетмаслиги, бўғинлари мустаҳкам, калта бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун культивация қилиш билан бир вақтда кўл майдонларга суперфосфат солинган.

1615 гектар пахта майдонига эга бўлган, ҳосилдорликни планга нисбатан 2,2 центнердан оширишга, 4565 тонналик хирмон кўтаришга бел боғлаган Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг азамат пахтакорлари айни кунларда ана шундай тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Қўшни Акмал Икромов номли, Куйбишев номли колхозлардаги илғор бригада ва звено аъзолари ҳам ягона ва культивацияни тамомлаб, ғўзани озиқлантириш ва сув қўйиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Куйбишев номли колхознинг Ўринбой Пардаев, Турғунали Маҳбоев, Сотволди Қўшматов бошлиқ звеноларида ғўза парвариши чаккн эмас. Улар ҳам айни кунларда экинни эртароқ озиқлантириш ва сув қўйиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Сотволди Қўшматов колхозда биринчи бўлиб ғўзани озиқлантиришни бошлаб юборди.

Акмал Икромов номли колхознинг тузилганига ҳали икки йил тўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай бу янги хўжалик аъзолари бултурги оғир йилда планни шараф билан бажардилар. Бу йил улар янги марраларни эгаллаш, план бўйича пахта ҳосилини 70 тонна кўпайтиришга аҳд қилганлар. Умарали Маматқулов, Аҳмад Турғунбоевлар бошлиқ звено аъзолари ғўза парваришида пешқадам бўлмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Қишлоқ хўжалигида тиғиз ва қизғин кунлар ўтмоқда. Деҳқонлар, мутахассислар, хўжалик раҳбарлари, каттадан-кичик ҳар бир қишлоқ меҳнаткаши олдида қатор муҳим, асло кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди: ғўза парваришини тобора кучайтириш керак, қурт боқишга, пичан тайёрлашга, сабзавот етиштиришга, чорва ва деҳқончилик маҳсулотларини кўпайтиришга, ғалла ўрим-йиғимига ҳозирлик кўришга бирдек қараш, етарли миқдорда техника ва ишчи кучларни ажратиш ва шулар сингари ишларни ўз вақтисоатида ўтказиш талаб этилади.

Шундай бир шароитда ишнинг кўзини билиб, ақл ва идрок билан тадбир белгилаш, ҳар бир шароит ва вазиятни ҳисобга олиш, уюшқоқлик, ташкилотчилик, сабот ва матонат кўрсатиш талаб этилади. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган, деҳқончиликнинг аччиқ-чучукларини, оғир енгилликларини бир эмас, бир неча марта бошидан ўтказиб, вақт ва фаслнинг ўзига мослаб иш тутиб келаётган колхозчилар, совхоз ишчилари бу йилги шароитда ҳам ўз тажрибаларини ишга солмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, «Ленин йўли», Акмал Икромов номли, Куйбишев номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Ҳамроқул Турсунқулов номли, «Интернационал», Оққўрғон районидаги «Москва» колхози, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда» колхозлари ва бошқа илғор хўжаликларда ғўза парвариши деҳқончиликнинг бошқа соҳалари билан бирга қўшиб олиб борилмоқда. Бу колхоз ва совхозларда чигит ердан текис ундириб олингач, унн дарҳол парвариш қилишга киришилди. Айрим бригада ва звеноларда биринчи парвариш тугалланиб, иккинчи парвариш ўтказилаётир. Яганалаш сифатли тугалланмоқда. Баҳорда намгарчилик етарли бўлмаганини ҳисобга олиб, ғўзаларни сугориш ва озиқлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу йил чигитни барвақт экиб, ҳамма ерда бир текис ундириб олингани деҳқонларимизнинг катта ютуғи, албатта. Лекин апрель ойининг сўнгги ўн кунлиги ва май ойининг биринчи ярмида об-ҳаво ўзгариб, баъзи кунлари исиган бўлса ҳам, умуман олганда ҳарорат анча пасайди. Бу эса ғўзаларнинг ўсишини сусайтириб юборди. Натижада кўчат етарли миқдорда иссиқлик олмаяпти. Шундай бир вазиятда ернинг ва участканинг шароитига қараб ишлов бериш, кўчатларнинг бут бўлиши ва гектарларнинг тўлиқ бўлишига алоҳида эътибор қилиш лозим. Афсуски, айрим хўжаликлар раҳбарларнн вақтнинг ўтиб бораётганлиги, об-ҳавонинг паст келганлиги ҳали ҳам ташвишга солмаяпти. Ягона, узунасига ва кўндалангига ишлов бериш, культивация, озиқлантириш суст олиб борилмоқда. Ҳали биринчи ишловдан чиқмаган, ягона қилинмаган гектарлар деярлик барча хўжаликларда бор. Ҳамма ерда ҳам культиваторлар унумли ишлаяпти, деб бўлмайди. Ишчи кучлари ва техника далага тўла сафарбар этилмаган.

Кўчатларнинг бут бўлиши— мўл ҳосил олишнинг асосий шартидир. Шу кечаю-кундузда ҳар бир звено ва бригадада қатор ораларини текшириб чиқиш, гектарларнинг тўлиқ бўлишини тезда таъминлаш керак. Бунинг учун ола чиққан жойларга дарҳол чигит экиш ва уларнинг тезда униб чиқиши ва ўсишини таъминлаш зарур. Ҳамма ерда биринчи ишловни, айниқса яганани қисқа муддатларда сифатли ўтказиш лозим. Ҳар бир гектар ерда 100-110 минг туп кўчат бўлишига эришиш, вилт билан зарарланган далаларда эса янада кўпроқ кўчат қолдириш муҳим вазифадир. Қатор оралариннг ҳамма вақт юмшоқ бўлиб туриши, ғўзанинг тез ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.


Колхоз ва совхозларда культивациянинг сифатига жиддий эътибор бериш керак. Культиваторларнинг иш органлари тўғри жойланганлигини кузатиб бориш, узунасига ва кўндалангига қилинадиган культивацияни сифатли ўтказиш ва бирон туп ҳам ғўзанинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мўл ҳосил гарови эканлигини унутмайлик. Ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, ҳавонинг паст келиши бегона ўтларни тез ривож топиши ва тўрли хил зараркунандаларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Колхоз ва совхозларда бегона ўтларга қарши курашни кучайтириб, бирон туп кўчатнинг ҳам ўт олмаслиги учун культивациядан кейин чопиқ қилишга, зараркунандаларнинг кўпайиш манбаи бўлган ёввойи ўтларни, айниқса увот, ариқ бўйларида ўсиб ётган ўтларни турли хил химикатлар билан тезда дорилаш зарур.

Айрим хўжаликлар ёғингарчиликка ёки ҳавонинг паст келишига алданиб, ғўзаларни сугориш ва озиқлантиришни орқага суриб турибдилар. Бу йил қиш ва баҳорда етарли миқдорда нам бўлмаганини унутмаслик керак. Ерларнинг паст-баландлиги, шароити ва талабига қараб сугоришни бошлаб юбориш, тупроқнинг бир меёрда намланишига эришиш лозим. Ёш ғўзалар шу кунларда озуқаларга тўйиб, қониб сув ичса, улар шунчалик тез ривожланади ва тез ҳосилга киради.

Беш йилликнинг сўнгги йили якунланадиган ва мамлакатимиз ҳаётида жуда катта тарихий воқеалар йили бўладиган 1970 йилда давлат пахта тайёрлаш планини ва социалистик мажбуриятимизни тўла бажариш пахтакорларимиз олдида турган юксак ва шарафли бурчдир. Куздаги улкан хирмон шу кунлардаги меҳнатимизга, ҳаракат, шижоат ва ғайратимизга боғлиқ. Ўтган йилларнинг қарзини бу йил узишимиз керак. Шундай экан, ҳар бир деҳқон, механизатор, хўжалик раҳбари ғанимат вақтларни бекорга ўтказмай, мўл ҳосил учун ҳозирдан замин яратиши, бутун куч ва маҳоратини ишга солиб, илғор тажрибалар, фан, техника ютуқлари асосида иш кўриб, тўлиқ гектарлар учун, ҳар бир туп ғўзанинг бақувват ўсиши ва теҳҳон меҳрига қониши учун бир жон, бир тан бўлиб курашиши лозим. Бу йилги шонли кунларни меҳнатда янги ғалабалар билан нишонлайлик. Мамлакатимизнинг, халқимизнинг пахтага бўлган талабини янада тўлароқ қондириб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг мўл-кўл бўлишини таъминлайлик.

БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ТАШАББУСКОРЛАРИ БЎЛГАН ИЛҒОР КОРХОНАЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИГА ҚЎШИЛАЙЛИК.

ДАВЛАТ ПЛАНЛАРИ ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗНИ ШАРАФ БИЛАН АДО ЭТАЙЛИК!



Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози пахтакорлари бу йил зиммаларига улкан вазифалар олиб меҳнат қилишаяпти. Ҳозирги кунда барча бригада ва звеноларда ғўза парвариши намунали олиб борилмоқда. Ибрагим Ҳарачиқ бошлиқ звено пахта далаларида айниқса культивациялаш, сугориш каби агротехник тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Суратда: культивация қилиш пайти.

А. Абалян фотоси.

А. Н. КОСИГИН В. ГОМУЛКА ВА Ю. ЦИРАНКЕВИЧ БИЛАН УЧРАШДИ

ВАРШАВА, 14 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ А. Н. Косигин 13 майда Варшавада Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Гомулка ва Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси ўртоқ Ю. Циранкевич билан учрашди.

Учрашув вақтида ҳар икки мамлакатни қизиқтираётган сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашув ўртоқларча, самимий вазиятда ўтди.

ЯШИЛАЁТГАН ДАЛАЛАР

Коммунист Ким Бон Си етакчилигидаги 8- бригада Янгийўл районидаги Карл Маркс номли колхозда пешқадамлардан. Бригаданинг шижоаткор пахтакорлари бултурги қийин об-ҳаво шароитида ҳам 78 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил кўтаришди.

Бу йилги ишлар ҳам чакки эмас: 50 гектар ерда пахта, 30 гектар майдонда каноп етиштиришяпти. Бригада лубкорлари каноп экишни ҳам колхозда биринчилар қаторн тугатишди. Ҳозир ғўза парвариши авжида.

— Бу йил ҳар гектаридан камида 150 центнердан каноп пояси ва 30 центнердан пахта етиштириш ниятидамиз, —дейди бригадир.

Ҳозир улар олинган мажбуриятга яраша меҳнат қилиб, биринчи парваришни тугаллаб, иккинчи ишлов беришяпти. Биринчи культивацияда гектарига 200 килограммдан ўғит аралашмаси солиниб парвариш қилинган ғўзалар яхши ривожланмоқда. Мирза Ортиқов ва Норбой Умаров каби механизаторлар ғўзаларни меҳр билан парвариш қилишда кўпчиликка ўрнак бўлаётган азаматлардан ҳисобланади. Зуҳра Дуртаева, Майна Нодирова Ғулой Йўлдошева, Муҳтарам Турғунова каби пахтакорлар яганани тезроқ тугаллаш учун барча тадбирларни кўришяпти.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ.

ПИЛЛАКОРЛАР АҲДИ

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг «кумуш тола» бунёдкорлари беш йилликнинг сўнгги йилида катта мажбурият олиб ишлашяпти. Улар 220 кути қурт уруғи парваришлаб областимиз хирмонга 11 минг килограмм пилла тўкиш учун курашишмоқда.

Бу муҳим кампанияга уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилди. Ким қанча пилла қурти боқади — олдиндан аниқлаб олинди. Қуртхоналар сифатли ремонтдан чиқарилиб, керакли жиҳозларнинг ҳаммаси тайёрлаб қўйилди.

Бундан ташқари, тут плантацияларн яхши парвариш қилинди. Тутзорлар ҳайдалиб, минерал ўғитлар солинди. Якка тут дарахтларига ҳам ишлов берилди. Қилинган меҳнат ўз натижасини кўрсатди.

Шу кунларда пилла қуртлари яхши парвариш қилинаяпти. Пиллакорлар ҳар қути уруғдан камида 70 килограммдан пилла олиш ниятидалар.

Пилла қуртларини, айниқса, Улфатхон Маъдалиева, Жамилахон Файзиева, Райхон Абдураҳимова каби пиллакорлар яхши парвариш қилишаяпти.

Э. ТОШМУРОДОВ.

ПАХТА ВА КАНОП МЎЛ БЎЛАДИ

Димитров номли колхоз Оққўрғон районидаги юқори ҳосилли хўжаликлардан бири. Унинг тажрибали пахтакорлари, моҳир лубкорлари кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг мана шу тармоқларидан мўл ҳосил етиштириб, катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлиб келишмоқда.

Колхоз деҳқонлари ўтган йили 725 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштирган бўлсалар, бу йил уларнинг аҳди—ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш. Ана шу мақсад йўлида хўжалик пахтакорлари кечаю-кундуз даларда астойдил тер тўкмоқдалар.

Деҳқонлар «кўк олтин»дан олинадиган ҳосилни йилдан-йилга кўтариш, луб толасининг сифатини яхшилаш борасида ҳам намунали ишларни амалга оширмоқдалар. Колхозда уста лубкорлардан ҳисобланган Цой Алексей, Ким Борис, Турсунқул Ходмирзаев бошлиқ бригадалар лубкорлари ўтган йили ҳар гектар ердан пландагидан 35—40 центнердан зиёд ҳосил етиштиришди, яъни олинган луб гектар бошига 130—135 центнерга етказилди.

Азамат лубкорларнинг бу йилги режалари ўзларига қарашли майдонлардан олинадиган ҳосилни камида мўлжалдагидан 20—30 центнергача кўтариш ва давлатга сифатли «кўк олтин» етказиб беришдир.

Деҳқонларнинг зарпечакни қуритиш йўлидаги тадбирлари яхши натижа бермоқда. Кейинги бир-икки йил ичида каноп экиладиган майдонларда зарпечак кескин камайиб кетди.

Қ. ЎРАЗОВ.

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Деҳқончилик ишларига разм қилсак, ҳар бир ишда тежамкор бўлиш катта аҳамиятга эга эканлиги амалда исбот этилди. Минерал ўғитдан тортиб чигит уруғигача, ёқилғидан тортиб тракторларнинг запас қисмларигача ҳамма нарсани тежаб-тергаб ишлатиш фойдалидир. Бу эса ортиқча ҳаражатларнинг кўпайиб кетмаслигига сабаб бўлади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Хати колхозчиларимиз ўртасида кенг муҳокама қилингач, тежамкорликка эътибор яна ҳам кучайди. Ҳар бир колхозчи, механизатор, чорвадор, соҳибкор масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлай бошлади. Механизаторларимиз экин майдонларининг ярмидан кўпига аниқ ташлайдиган сеялкаларда чигит экдилар. Шу туфайли ҳар гектар ердан 80 килограммга етказиб уруғлик тежаб қолиш имкони туғилди. Бу эса ғўзани ягона қилишга кетадиган меҳнат сарф-ҳаражатини ҳам анча тежаб қолади.

Ўтган йили колхоз учун 10 минг сўмга яқин янги техника сотиб олдик. Агар биз йил охиригача мавжуд техникадан самарали фойдаланиб ишлатсак борми, бу йил қўшимча тракторларни сотиб олишга эҳтиёж қолмайди. Шу билан бирга камида 3 минг сўмлик запас қисмларни тежашимиз мумкин. Шундай экан, механизатор кадрларимиз тежалган запас қисмлар ҳисобига қўшимча 50 процент иш ҳақи оладилар.

Сут-товар фермасида ҳам ҳар бир нарсани тежаб-тергаб ишлатиш мумкин эканлиги амалда исбот этилди. Молларга ем бериш, тагини тозалаш ишларини ҳам транспортерлар орқали амалга ошириш мумкин экан. Бу эса икки молбоқар ва икки сут соғувчини бошқа ишларда фойдаланиш имконини берди. Бизда ферма аъзолари ишбай усулида меҳнат қилишмоқда. Шу сабабли иш ҳақи фондидан йилига 4—4,5 минг сўм маблағни тежаб қолинишига сабаб бўлмоқда.

Колхозда ҳаммом учун ҳар йили 20—25 тонна кўмир сарфланар эди. Эндиликда кўмир ўрнига қишлоқ хўжалик машиналаридан чиққан чиқиндн мой ёқилмоқда. Бу тадбир яхши натижа беряпти. 2,5 минг сўмга яқин маблағни иқтисод қилмоқдамиз.

Ўтган йили колхозимиз 750 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 24 центнердан «оқ олтин» топширди. План 120 процент қилиб адо этилди. Бу йил ҳам улкан марраларни эгаллаш учун ҳормай-толмай меҳнат қиляпмиз. Далаларнн дашти қўриқ ерларининг бир қисмни ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалиги оборотига қўшилди. Экин майдонимиз 914 гектарга етди. Биз ҳар гектар ердан 18 ўрнига 25 центнердан пахта етиштириш учун кураш олиб бораяпмиз. Бу ишда ҳам тежамкорликка катта аҳамият берамиз. Пахтани барвақт етилтириб пиширамиз. Шу билан бирга ҳосилнинг асосий қисмини ёғин-сочинга қолдирмай, «зангори кема»ларнинг ёрдами билан тез йиғиштириб олиб, юқори сортларга топширилишини таъминлаймиз. Бу эса минглаб сўм маблағни тежаб қолади.

К. РАҲИМОВ,
Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг бош агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Улар Тошкент тепловоз депосида аҳил ва фидокорона меҳнат қилишади. Пўлат Рўзиев (чапда), Петр Навала, Ашот Саломбеков, Иван Гусак ва Геннадий Чошкин ўртоқлар беш йиллик юзасидан ўз зиммаларига олган шахсий топшириқларни муваффақиятли адо этмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонишган.

М. Нуриддинов фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ

Тошкент область меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори Ленин юбилейи йилини кутиб олар эканлар, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик билан нишонладилар. Улар зарбдор ленинча вахтани давом эттириб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг янги резервларини қидириб топмоқдалар.

Областимизнинг илғор корхоналари, В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкент «Қизил тонг» фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективлари қимматли ташаббус билан чиқдилар. Уларнинг бу ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Бу илғор корхоналар коллективлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ҳақидаги қарорларини амалга ошира бориб, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари — 7 ноябргача ва 1970 йил планини эса барвақт бажариш юзасидан зиммаларига социалистик мажбуриятлар олишди. Илғор коллективларнинг бу ватанпарварлик ташаббуси областимиз меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа меҳнаткашлари зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар ва уларни муваффақиятли бажаришмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш тўрт ойлик плани муддатидан илгари бажарилди. Пландагидан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Тошкент область ва шаҳар саноат корхоналари коллективлари шу даврда маҳсулот реализацияси планини 103,5 процент қилиб бажардилар. Йил бошидан бери пландагига қўшимча кўп миқдорда пўлат ва прокат, 57,6 минг тонна кўмир, 24 минг тонна цемент, 835 та трактор, 15 та электрик кўприк кранлари, 17 та кўрак нувийдиган агрегатлар, 500 та рўзғор холодильниклари, 133 минг сўмлик химия асбоб-ускуналари, 115 та трактор прицепи, 125 километр брон кабели ва бошқа кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулотни реализация қилишнинг ўсиш суръатлари 11,4 процентни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш плани ортиғи билан бажарилди.

Қурилиш ташкилотлари яхши ишлашди. Капитал маблағлар ўзлаштириш планини муддатидан илгари бажардилар. Уй-жой қурилиши ва уй-жой майдонининг фойдаланишга топшириш планлари анча ортиғи билан адо этилди.

20 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, минглаб бригадалар, сменалар, участкалар ва цехлар коллективлари беш йиллик топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигигача бажардилар. Бунинг учун улар «Ленинча беш йиллик зарбдорлари» ва «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақанинг ғолиб коллективи» фахрий номларига эга бўлдилар.

Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликлар меҳнаткашларнинг меҳнат солномасида янги шонли саҳифа бўлди. Унда 953 минг меҳнаткаш иштирок этди. Коммунистик шанбалик кунида бир неча миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотнинг анчагина қисми тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига тайёрланди.

Областимиздаги кўпгина корхоналар ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг меҳнати партия ва ҳукумат томонидан юксак баҳоланди. Областнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришган 36 та саноат, қурилиш, транспорт корхонаси, совхозлар ва колхозлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Мукофотланганлар орасида В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ва Чирчиқ электрохимия комбинати, «Ташсельмаш» заводи, «Ўзбекуголь» комбинатининг кўмир разрези ва «Юлдуз» тикувчилик фирмаси, Олмалиқ мебель фабрикаси, Бекобод цемент комбинати ва 93-ихтисослашган трест, Тошкент ГРЭСи ва 80-автобаза, Охунбобоев номли колхоз ва «Чиноз» совхоз-техникуми ва бошқа коллективлар бор.

Областнинг 157 корхона ва ташкилоти коллективлари, шу жумладан Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Қизил тонг» фирмаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзсовпрофнинг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. 151 корхона ва ташкилот коллективлари Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети ва касаба союзлари область Советининг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Ленинча меҳнат вахтасида бошқаларга ўрнак бўлган бу корхоналар ташрибасини областнинг барча корхоналарига ёйиш керак.

Область меҳнаткашлари зарбдор меҳнат вахтасини давом эттириб, бешйиллик топшириқларини барвақт бажаришга, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш бўйича 1970 йилга белгиланган планни эса муддатидан илгари — 28 декабргача бажаришга астойдил бел боғлашди.

Улар пландагига қўшимча ўнлаб минг тонна кўмир қазиб чиқаришади, кўп миқдорда пўлат, навли прокат ва минерал ўғитлари, миллион сўмликдан кўпроқ қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, кўплаб сўмлик қаттиқ қотишма буюмлари, 250 минг сўмлик химия асбоб-ускуналари, 120 минг жуфт пойафзал, миллион сўмлик тикувчилик буюмлари, 1500 тонна нон ва нон маҳсулотлари ҳамда кондитер буюмлари ва бошқа жуда кўп маҳсулотлар тайёрлашади.

1970 йилда меҳнат унумдорлигини ошириш плани 2 процент зиёдаси билан бажарилади, тайёрланаётган маҳсулот таннархи кеми билан 4 миллион сўмлик арзонлаштирилади ва товар маҳсулотини реализация қилишдан пландагига қўшимча 6 миллион сўмлик фойда олиш назарда тутилади.

Область меҳнаткашлари беш йилликнинг сўнгги йилида 70 миллион киловатт-соат электр энергияси, 15,5 минг тонна шартли ёқилғи, кам деганда 3,5 минг тонна қора ва рангли металлар ҳамда жуда кўп бошқа хил хом ашё ва материалларни тежаб қолишга аҳд қилдилар.

Область меҳнаткашлари илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик-лойиҳалаш ташкилотлари билан ҳамкорликда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, илғор технологиядан тўлароқ фойдаланишга эришиб, техника тараққиётини янада жадаллаштиришни таъминлайдилар. 60 хилдан ортиқ янги такомиллашган машиналар, приборлар ва бошқа саноат буюмлари ишлаб чиқилади ва уларни тайёрлаш ўзлаштирилади.

Илмий-тадқиқот муассасалари ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари коллективлари 1970 йилда қуйидаги ишларни бажарадилар: 400 дан зиёд илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилади, уларнинг юздан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёрланилади ва бундан 30 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади.

Область корхоналарида кеми билан 60 та автоматик, поток-механизациялашган ва конвейер линиялари, 1000 дона янги юксак унумли технологик асбоб-ускуналар, 100 дан ортиқ прогрессив технологик жараёнлар жорий этилади, 1000 дан ортиқ мавжуд станоклар ва механизмлар модернизация қилинади, салкам 6 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган 1000 дан ортиқ йирик ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади.

Аҳолининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида қийимлар, пойафзаллар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотларининг 400 дан ортиқ янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Область меҳнаткашлари тайёрланаётган маҳсулот сифатини ҳар томонлама яхшилашга ҳаракат қиладилар, «ПК—100 М» йигириш-пишитиш машинасини, кабелларнинг икки хилини, асбоцемент трубаларини, 26 номдаги вино, консерва, гўшт, сут, нон ва нон маҳсулотлари ҳамда ширинликларни, қатор кенг истеъмол предметларини давлат сифат белгиси аттестациясидан ўтказишга тайёрлайдилар.

Область корхоналарида ҳар йили 25 миллион сўмликка яқин жамғарма берадиган кеми билан 22 мингта ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий қилинади, 8,5 миллион сўмликка яқин шартли йиллик фойда келтирадиган 800 га яқин меҳнатни илмий уюштириш планлари ишлаб чиқилади ва ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

Область бинокорлари юбилей йили қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари—27 декабргача бажариш ва йил охиригача қўшимча 4 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 0,2 процент ошириш, қурилиш ишлари сифатини яхшилаш ва объектларнинг кеми билан 80 процентини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топшириш учун курашадилар.

Шаҳарларда, район марказлари ва посёлкаларида уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш йиллик плани муддатидан илгари 28 декабргача бажариляди. Пландагига қўшимча 3 минг квадрат метр сатҳли уй-жой майдони фойдаланишга топширилади. Мактаблар қурилиши йиллик плани 25 декабргача, 9 ойлик плани эса 25 августгача бажарилади.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари қурилиш-монтаж ишлари таннархини топшириқда белгиланганига нисбатан 0,13 процент камайтириш мажбуриятини олдилар.

Транспорт ва алоқа ташкилотлари, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари коллективлари юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун астойдил курашадилар.

Область меҳнаткашлари партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, областимизнинг ватанпарварлик ташаббусларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган илғор корхоналаридан ўрнак олиб, ўз кучғайратларини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада ошириш, тежамкорлик режимини мустаҳкамлашга сафарбар этадилар. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вазифаси ҳамма жойда социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини, ленинча юбилей йилида зарбдор меҳнат қилинишини, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва бу билан коммунистик қурилишнинг умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшилишини таъминлашдан иборат.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

— Отахон,— сўрадик гузар чойхонасида ўтирган кексаларнинг биридан,—шу қишлоқлик Ҳасан акани мабодо танийсизми борди. У киши билан кўришмоқ ниятида эдик.

— Қайси Ҳасанни сўраяпсиз, ўғлим?

— Мактаб директорини-да. Ҳасан ака!

— Нега танимас экансан? У кишини қишлоқнинг каттадан-кичик ҳаммаси яхши билади. Ўғлим, Мана шу жойларда колхоз тузиб, унга дастлаб «Октябрь самараси» деб ном қўйган, қишлоқни гуллаб яшнатишда кўп жонбозлик кўрсатган шер йигитлардан у. Хўш, хўв анаву теракзорни кўряпсизларми, ҳа баракалла. Шу теракзор бағрида қишлоғимиз мактаби жойлашган. Сизлар излаб юрган Ҳасанбой ҳозир ўша ерда бўлиши керак. Боя яқиндагина саломлашиб, ўша томон ўтганди у.

Ҳасан ака ўз хонасида экан. Суҳбатимиз беихтиёр мактаб ҳаёти билан қизиқишдан бошланди. Директор мактабда 683 бола ўқиётгани, уларга 35 малакали ўқитувчи таълим-тарбия бераётгани, ўқув йилининг биринчи ярмида мактаб бўйича ўзлаштириш 98 процентни ташкил этгани, коллектив «2» баҳосиз ва икки йилликсиз ишлашга қатъий ҳаракат қилаётгани ҳақида бирма-бир тўхталди.

Кекса педагогнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасоратларини эшитгандик. Ана шу ҳақда хотираларини сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— 1942 йил 2 ноябрда биз 28 кишн комиссариатга чақирилдик. Ўша кези мен Юқори Чирчиқ районидаги 2-МТСда сиёсий бўлимни бошқарардим. Визини ўртоқ Усмон Юсуповнинг ўзи қабул қилди ва адо этажак вазифаларимиз хусусида қисқача тушунтирди. Ўзбекистон ёзувчилари, олимлар, педагог ва санъаткорларнинг умумий мажлисида қабул этилган «Саломнома»ни бизга топширди. Бу мактубда жангчиларимизга қарата айтилган Ватан чақириғи, Ватан накази мужассам этилганди:

Уринг, қасос олинг, садоқат учун,
Уринг, ҳақиқат ва адолат учун,
Қилич чопинг азиз улкамиз ҳаққи,
Ширин ўғил ҳаққи, жажжи қиз ҳаққи.
Қилич чопинг ота-оналар ҳаққи,
Харобазор, куйган хоналар ҳаққи.
Уч олинг Толстой мозори учун,
Пушкининг шеърият гулзори учун.
Улуғбек дахмаси бўлмасин харом,
Улуғ Навоийимиз кетмасин беном.

Москвада бизни Қизил Армия Сиёсий Бош Бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Щербаков қабул қилди. Зиммамиздаги вазифанинг масъулиятини тушунтиргач, аниқ йўл-йўриқлар берди. Мен Калинин фронтига, 35-армия 69-ўқчи дивизиясига сиёсий ходим этиб тайинландим.

Ҳамма жангчилар сингари менинг ҳаётимда ҳам оғир жангу-жадал кунлар бошланди. Совет Иттифоқи маршали Рокоссовский кўмондонлигидаги 1-Белоруссия фронтининг армия кўмондони П. И. Батов қўлида рота командири бўлиб хизмат қилаётган кунларимнинг бирида контузияга учрадим. Бу воқеа 1943 йил 14 январда рўй берди. Мени Харьков шаҳридаги ҳарбий касалхонага келтиришди. Шифохонада икки ой даволандим. 31-майда эса Совет Армияси сафидан демобилизация қилиндим...

...Ҳасан ака гарчи урушдаги жасоратларини батафсил сўзлаб бермаган бўлса-да, унинг кўксини безаб турган Қизил Юлдуз, 1-даражали Улуғ Ватан уруши орденлари ва қатор-қатор медалларни кўриб унинг шонли йўлини ҳис этдик.

С. УМАРОВ,
Ҳ. НУРИЕВ.
Калинин райони.

САМАРҚАНД ЮБИЛЕЙИГА

Ўзбекистон ССР Савдо палатаси Самарқандининг 2500 йиллигини намунали ишлашдан учун шу йилнинг 1 майидан бошлаб август ойигача конкурс эълон қилди.

Палата завод, фабрика, муассаса, корхона ҳамда ташкилотларнинг мутахассислари, конструкторлари, ижодий союзларнинг аъзолари, айрим ҳунармандларни конкурсда актив қатнашишга чақиради.

Конкурс қатнашчилари тайёрлаган совға ва эсдаликларда Самарқандининг алоҳида тарихий аҳамияти, унинг архитектура бойлиги, ҳозирги Самарқандининг ҳар томонлама ривожланиб, гуллаб-яшнаётганлиги акс этиши керак. Эсдалик совғалар металл, сопол, чарм, тош, ёғоч, суяк, пластмасса, қоғоз ёки газмолларда тасвирланган бўлиши мумкин.

Савдо палатаси энг яхши совға ва эсдаликлар тайёрлаган қўли гул усталар учун бешта мукофот ажратиб қўйган. Битта 1-даражали мукофот 250 сўм, иккита иккинчи мукофот ҳар қайсиси 200 сўмдан, иккита учинчи мукофот ҳар қайсиси 100 сўмдан. Шунингдек савдо палатаси конкурс иштирокчиларини рағбатлантириш учун ҳар қайсиси 50 сўмдан иккита мукофот ажратган.

НУР ОҚИМИ

Чирчиқ гидроэлектростанциялар тизмаси коллективи юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам самарали ишламоқда. Энергетиклар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш, агрегатларнинг бир меёрда ишлашини таъминлаш, ремонт-профилактика ишларини ўз вақтида амалга оширишга ўтфайли нур ҳосил қилиш топшириқлари ой сайин ортиғи билан адо этиляпти. Шу йилнинг 1 кварталидаги фаолият натижаси жуда баракали бўлди.

Коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатида юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзсовпрофнинг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Бу воқеа ишонч нурчиларини меҳнатда янги-янги зафарларга руҳлантирмоқда. Шунинг учун ҳам тўрт ойлик план ортиғи билан адо этилди. Қўшимча бир неча миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди. Айни вақтда энергетиклар тизманинг ички эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр қувватини тежаб қолишга катта эътибор бермоқдалар. Шу йилнинг тўрт ойида 15 минг киловатт-соатга яқин электр энергия иқтисод қилинди. Бир киловатт-соат қувват ҳосил қилиш учун сарфланадиган ҳаражат 0.006 тийин арзонлашди. Бунинг эвазига қўшимча бир неча минг сўм фойда олинди.

К. ИСМАНОВ.

Пойтахтимиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерия фирмасининг биргина бадиий галантерия цехи коллективи ҳар ойда 300 мингта турли хил ипак, капрон ва жун рўмоллар ишлаб чиқармоқда. Суратда: контролёр Карима Пўлатова билан мастер Миля Островская тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.



МАЗМУНЛИ УМР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг бош редактори Усмон Муҳамедовни кўпчилик авторлар, редакция ходимлари «домла» деб аташади. Бу бежиз эмас албатта.

Усмон ака ўзининг меҳнат фаолиятини бундан қирқ икки йил муқаддам қишлоқда ўқитувчиликдан бошлади. У болаларни ўқитди, катталарга саводини чиқаришда ёрдам берди. 1929 йили ёппасига коллективлаштириш бошланганда Байт-кўрғон қишлоғининг Янги маҳалла мавзуида атрофига актив ларни тўплаб колхоз ташкил этди. Колхозчиларнинг талабига кўра, ўриндошлик йўли билан «Октябрь» колхозида икки йил раис муовини вазифасида ишлаб, колхоз ишини йўлга қўйишда кўмаклашди.

1931 йилдан бошлаб СоюзНИХИ нашриётида редактор, таржимон бўлиб ишлаб, пахтачиликка доир китоб ва брошюралар нашр этди. Усмон ака ўзининг қирқ икки йиллик самарали меҳнат фаолиятида раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлаб келди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик нашриётининг редактор ўринбосари ва бош редактори, Ўзбекистон Давлат нашриётида бош редактор, кейинчалик директор, Ўзбекистон Министрлар Советининг матбуотда давлат сирларини сақлаш Бош бошқармасида бошлиқ, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимида матбуот ва нашриёт ишлари бўйича инструкторлик вазифаларида ишлади.

Ўртоқ Муҳамедов ўзининг бутун умрини республикада матбуот ва нашриёт ишларини ривожлантиришга бағишлади. Унинг раҳбарлигида нашр этилган китоблар снёсий-гоявий ва бадиий жиҳатдан юқори савияда бўлганлиги учун ўқувчиларга манзур бўлиб келмоқда. Буни Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг лекциялари, «Фан ҳақида суҳбатлар», «Коммунистик ахлоқ масалаларига доир» оммабоп брошюралар мисолида кўриш мумкин.

Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг коллективи кекса журналист Усмон Муҳамедовни тантанали равишда пенсияга кузатди. Усмон акага сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

Ҳ. ЮНУСОВ.

ДОНГДОРЛАР



Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг пешқадам чевари Маъмура Мусамуҳамедова беш йиллик юзасидан ўз зиммасига олган шахсий топшириқни муваффақиятли бажармоқда. У коммунистик меҳнат зарбдорлари сафидан муносиб ўрин олган.

Н. Шониёзомов фотоси.

Мастер Николай Иванович Зажигин бошчилик қилаётган бригада коллективи корхонадаги кўпгина яхши ишларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиққан. Айниқса, сўнгги йилларда бригада ишчилари меҳнатни пухта ташкил этишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Бирон квартал ёки ой йўқки, улар топшириқларини оширибгина бажаришмаган бўлсин. Бултур бригада аҳли корхонадаги ўзаро социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллаган эди. Беш йиллик сўнгги йилининг биринчи квартал топшириғи ҳам муддатидан илгари оширибгина адо этилди.

Бригадага коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном берилганига анча бўлди. Меҳнатсевар ишчилар бу шарафли номни муносиб оқлаб келмоқдалар. Азаматлар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини беш йиллик планни бажариш билан нишонладилар. Эндиликда пешқадам ишчилар 1971 йил ҳисобига маҳсулот беришяпти.

25 йилдан бери бу аҳил коллектив асосан мис ва алюминий қуюлмалари ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотлар ўзининг аъло сифатлилиги билан кўпчиликни қувонтирмоқда. Бундай юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда вольцовкачи Петр Захаров, Арсентий Орлов, созловчи М. Болтабоев ўртоқлар сингари илғорлар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Бригада КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорлик режимини кучайтириш тўғрисидаги Хати асосида белгиланган тадбирлар асосида иш олиб бормоқда. Ишчилар вақтдан унумли фойдаланиш, шу ҳисобга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришмоқдалар. Масалан, аввалари смена топшириш вақтида 15 минут вақт беҳуда кетса, эндиликда бунга фақат 5 минут вақт ажратилган, холос. Бу ташаббус бошқа бригадаларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Биз ўртоқ Юрий Ильичев бошчилик қилаётган цехнинг бригина бригадаси ҳақида ҳикоя қилдик. Цех коллективининг шу кунларда олиб бораётган ишлари мақтовга сазовор. Улар ўз зиммаларига олинган мажбурият қабул қилишган. Иш ҳам ана шу янги мажбурият асосида ташкил этилган.

Прокат станида ишлаш энг масъулиятли ва шарафли вазифа ҳисобланади. Унга етарли тажриба орттирган ишчиларгина қўйилади, холос. А. Орлов шундайларнинг бири ҳисобланади. У бултур намунали ишлари учун доҳиймиз В. И. Ленин бюсти билан тақдирланган эди. Бу юксак туҳфани корхонада биринчилар қаторида шу киши олишга муяссар бўлди. Шунингдек, цехда мастерлар учун «Олтин қўллар» номи таъсис этилган. Ҳозиргача уч ишчигагина бу фахрли ном берилди.

Бундай юксак номга ишчи Т. Мифтахова ҳам сазовор бўлган. Бу беш йиллик зарбдори шу кунларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Унинг дугоналари Л. Шестакова, Т. Литовкина, Л. Макарова-лар ҳам беш йиллик зарбдорлари сафидан муносиб ўрин олганлар.

Тўрт ойлик топшириқни ошириб адо этган цех аъзоматлари шу кунларда бундан ҳам самаралироқ ишлашга, ютуқларини янада бойитишга интилмоқдалар. Ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланмоқдалар. Ҳар ишда, ҳар бир соҳада тежамкор бўлишга ҳаракат қилишяпти.

Цех касаба союз комитетининг раиси Александр Савельевич Печерский бу ерда ишчиларга барча шарт-шароитлар яратиб берилганини уларнинг ишдан сўнг маданий дам олишлари ҳам пухта уюштирилаётганини сўзлаб берди. Ишчилар тез-тез экскурсияларга чиқиб туришади. Хуллас, уларнинг иккн кунлик дам олишларини кўнгилли ўтказиш учун Тошкент «Кабель» заводининг маъмурияти, партия ташкилоти ва касаба союз комитети барча тадбирларни кўрмоқда. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш унумдорлигининг янада ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳ. АБРОРОВ.

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ—ИЛҲОМ МАНБАИ





Тошкентда Урта Осиё ва Қозоғистон ёзувчиларининг ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти тараққиёти масалаларига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашда қардош республикалардан бир қанча қалам соҳиблари қатнашдилар. Суратда: (чапда) Қиргизистондан келган ёзувчилар. (Ўнгда) тожикистонлик ёзувчилар.

Н. Тўраев фотолари.

Тошкентда Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари ёзувчиларининг москвадик адиблар иштирокида регионал кенгаши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин қисқача кириш сўзи билан очди. СССР ёзувчилар союзи ҳарбий-бадиий адабиёт комиссиясининг аъзоси И. Т. Козлов «Ҳарбий—ватанпарварлик адабиётининг ривожланиш йўллари» тўғрисида доклад қилди.

Кенгашда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қиргизистон, Тожикистон ва Туркманистон ёзувчилар союзининг вакиллари сўзга чиқдилар, улар Улуғ Ватан уруши, совет солдатига бағишлаб ўз республикаларида яратилган ва яратилаётган адабиётлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

Газетамизнинг бу саҳифасида кенгаш қатнашчилари ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашадилар.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ АСАРЛАРИМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Мен Қиргизистондан Улуғ Ватан урушида қатнашган қаламкаш дўстларим билан Тошкентга келдим. Бу ерда ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти тараққиёти масалаларига бағишланган кенгашда қатнашганимдан мамнунман. Кенгашда мен сўзга чиқиб, қиргиз ёзувчилари ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида қандай асарлар яратётганлари ҳақида сўзлаб бердим. Республикамизда атоқли адиблар билан бирга ёш қалам соҳиблари ҳам бу олижаноб темада асарлар яратмоқдалар. Чингиз Айтматов, Кубанишбек Маликов, Исроил Сулаймонов, Туманбой Бойсоқов ва бошқа ёзувчиларимиз совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонликлари, уларнинг фронтда ва фронт орқасида кўрсатган катта ватанларварлик ишлари ҳақида янги асарларни китобхонларга тақдим этмоқдалар.

Биз кенгашда бундан кейин ўзимизнинг янги ишларимиз ҳақида кенгашиб олдик. Кенгаш қатнашчиларининг сўзларида яхши маслаҳатлар гаплар бўлди. Ҳарбий-ватанпарварлик темасида ёзилаётган асарларда нималарга эътибор бериш ва совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ва ҳозирги кунлардаги ватанпарварлик ишлари ҳақида юксак асарлар яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Биз кенгашдан республикамизга қайтиб борган қаламкаш дўстларга ана шу ажойиб маслаҳатлар ҳақида сўзлаб берамиз ва янги асарлар устидаги ишимизни давом эттирамиз.

Соронбой ЖУСУЕВ,
қиргиз шоири.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА БАДИИЙ АДАБИЁТ

Бир неча кун муқаддам бутун мамлакатимиз, барча прогрессив инсоният совет халқининг фашизмнинг қора қузғунлари устидан қозонган тарихий ғалабасининг йигирма беш йиллигини нишонлади.

Бу ғалабага биз шонли Коммунистик партия раҳбарлигида эришдик. Биз урушда ҳалоқ бўлганларни бир минутлик сукут билан, омон қолганларнинг шон-шуҳратини эса байрам салюти залплари билан хотирладик. Совет солдати — халоскорларнинг жасорати ва мардлигини, сабот-матонат ва ватанпарварлигини бўкилмас ирода ва чуқур инсонийлигини қанчадан-қанча авлод эсда сақлайди ва хотирлаб юради. Ҳар бир янги авлод совет солдати бундай бўкилмас иродани, бундай матонат ва жасоратни, Ватанга бундай чексиз садоқатни қаердан олган экан, деган саволга жавоб ахтаради. Дарвоқе, совет солдатида бундай ажойиб инсоний хислатларни ким тарбиялаган?

Қаҳрамон халқнинг ажойиб тарбиячиларидан бири кўпмиллатли совет адабиёти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу адабиёт Коммунистик партия ва пролетар интернационализми ғояларига содиқдир, она тупроғимиз ва меҳнаткаш халқимиз билан чамбарчас боғланган. Совет солдати бизнинг шаҳарларимиз ва китобларимиз билан Волгадаги қўрғонни сақлаб қолди, Ленин шаҳри остоналарида мардона жанг қилди, Берлинни штурм қилишга йўл олди. Бунинг учун биз ёзувчиларимизга — партиянинг содиқ солдатларига шарафлар ўқисак арзийди.

Ҳарбий мавзуда ёзувчи адибларнинг роли бугунги кунда ҳам илгаригидек катта ва муҳимдир. Мураккаб, кескин халқаро аҳвол — Вьетнам ва Камбоджадаги уруш олови, Яқин Шарқдаги жанглар, Америка империалистларининг агрессив ҳаракатлари, Ғарбий Германияда бош кўтариб келаётган фашизм — буларнинг ҳаммаси бизни хушёр туришга, кун сайин, соат сайин ўсиб келаётган ёш авлодни Совет Армиясининг шонли традицияларига ва ажойиб жангчилик анъаналарига содиқ қилиб тарбиялашга, ўз граждонлик ва ҳарбий бурчини, совет халқларининг дўстлиги ва қардошлиги ҳиссини тушуниб етиш, снёсий жиҳатдан етук, маънавий пок бўлиш руҳида тарбиялашга чақиради.

Урта Осиё ва Қозоғистон адибларининг Москва ёзувчилари иштирокида ўтказилган регионал кенгаши худди мана шу проблемаларни ҳал қилиш учун чақирилди.

Совет Ўзбекистони адиблари ҳарбий-ватанпарварлик темасини ишлаб чиқишда катта ва яхши анъаналарга эгалар. Бундай анъаналарга жангчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг жанговар, сафарбар этувчи шеър ва қўшиқлари билан асос солган эди. Бу анъаналар Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғуломнинг, Уйғун ва Шайхзоданинг шеърий публицистикасида, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг прозасида, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ажойиб шоир Султон Жўраниинг ижодида қарор топди.

Республика ёзувчилари сўнгги йилларда ҳам ҳарбий темада катта ва муҳим ишларни амалга оширдилар. Назир Сафаров ва Михаил Шевердин, Зиннат Фатхуллин ва Иброҳим Раҳим, Владимир Карпов ва Адҳам Раҳмат, Мумтоз Муҳамедов, Шуҳрат, Кайпбергенов, Борис Пармузин, Назармат, Олег Сидельников, Мавлон Икром, Тамарина ва бошқаларнинг китоблари бундан далолат бериб турибди.

Регионал кенгашда ютуқларимизни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, бу соҳадаги камчиликларимизни очиб кўрсатиш, кўпмиллатли адабиётимизда ҳарбий-ватанпарварлик темасини янада ривожлантириш йўлларини белгилаб бериш вазифаси турибди. Кенгашда талантли ва катта тажрибага эга бўлган сўз усталарининг катта группаси қатнашаётганлиги бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Комил ЯШИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси.

МУҲИМ МАВЗУ

Тошкентда кеча куни бўлиб ўтган СССР Ёзувчилар союзи томонидан уюштирилган Урта Осиё ва Қозоғистон ёзувчиларининг ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти тараққиёти масалаларига бағишланган кенгаши биз қаламкашлар учун жуда фойдали бўлди. Кенгашда Москвадан келган ёзувчилар, шунингдек, Урта Осиё ва Қозоғистон Ёзувчиларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар ўз республикаларида ва Москвада ҳарбий-ватанпарварлик темасида қалам тебратиб келаётган ёзувчиларининг вакиллари ҳақида гапирдилар.

Бизнинг республикамизда ҳам ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти тараққиёти йўлида олдинга силжиш бор. Республикамизда Улуғ Ватан урушида қатнашган, уруш қийинчиликларини ўз бошидан кечирган ва окопларда жанговар мисраларни яратган ёзувчилар ишлаб келмоқда. Улар Улуғ ғалабанинг 25 йиллигига ўзларининг янги асарларини тақдим этдилар.

Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган машҳур шоиримиз Ҳабиб Юсуфийнинг танланган асарларида унинг жанг майдонларида яратган шеърлари кенг ўрин олган. Талантли ёзувчимиз, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Фотиҳ Ниёзий ўзининг «Вафо» романида фронт ҳаёти, совет жангчиларининг мислсиз қаҳрамонликлари кенг ёритилган. Улуғ Ватан урушида қатнашган Сотим Улуғзода, Ҳабибулло Назаров, Аширмат Назаров ва бошқа ёзувчиларимизнинг ҳам уруш йилларида ёзган асарлари китобхонлар орасида севилиб ўқилмоқда.

Биз кенгашдан кўп фойдали маслаҳатлар билан уйга қайтмоқдамиз. Кенгашда қардош республикалардан келган дўстлар билан яна яқиндан танишиб, ижодий маслаҳатлар олдик. Бу иш бизнинг келажакда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида янги асарлар яратишга илҳомлантиради.

Ҳожи СОДИҚ,
тожик адиби, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси.

ҲУЖУМ

ОКОП МИСРАЛАРИДАН

БИР ТЕПАЛИК УЧУН БЎЛГАН ЖАНГ...

Тепа учун қизиб жанг,
Олди жангоҳ аланга.
Душман ҳоли бўлиб танг
Қочиб қолди ҳар ёнга.
Жанг ўтидан бўркисир кўк,
Шамол увлар сарсари.
Уроз ботир отиб ўқ,
Дадил чопар илгари.
Даҳшат солар фашистга
Жангга кирса доимо.
Яксон этиб кўп ёвни,
Довруғ солди жанг аро.
Ев ўқидан бир куни
Уроз бўялди қонга.
Фидо этди жонини
Она юрти — Ватанга.
Шиддат билан қисмимиз
Тепаликни олдилар.
Жангномада мард исмин
Зарҳал билан ёздилар.

Шарофжон ОРИФИЙ.
1943 йил,
Ҳаракатдаги Армия.

ҚИЛИЧ ВА ГУЛ

Қиличингни ўлоқтир, ошна,
Қўлингга ол бирор дона гул.
Шунда сенга ишонар ҳамма,
Уй тўри ҳам сенинг бўткул.
Қилич билан гар бўлсанг
меҳмон,
Мезбонинг ҳеч бўлмас
хотиржам.
Бўлса ҳам гул сўлғин,
заъфарон,
Ишончсизлик топади барҳам.

* * *

Капалакдек кун кўрмадим
ҳеч,
Бўлмадим соядек бевафо.
Кўлмак сувдек мен бўлмадим
тинч,
Жушқин сойдек кун кўрдим
аммо.
Булоқлардан олдим
софликни,
Тўғриликка интилдим
ҳардам.
Ким севмаса тўғри гапликни,
Ундайларга ёқмадим мен
ҳам.

Ҳабиб РАҲМАТ.

Яқинда Волгоград китоб нашриёти собиқ батальон командири, кейинча 333-дивизиядаги 1118-ўқчи полкининг штаб бошлиғи Игнат Максимович Журавскийнинг «Ҳужум давом этмоқда» номли китобини нашр этди. Китоб қаҳрамонларидан бири, она диёримиз тупроғини фашист газандаларидан тозалашда матонат кўрсатган, қатор орден ва медалларнинг egaлари, ҳамшаҳримиз капитан (ҳозир подполковник) Иброҳим Содиқович Содиқов бўлиб, муаллиф унинг жанговар матонати ва жасорати ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади.

Газетхонларимизнан **М. Муродов, Т. Зуфаров** Иброҳим Содиқов ни излаб топдилар ва у билан учрашдилар.

Қуйидаги очерк ана шу учрашув таассуротларидан бир сақафадир.

БАҲОР... Қуёш оҳиста бош кўтармоқда. Эсаётган майин шабада дарахтларнинг кечаги ёмғиридан кейин худди ёглаб қуйилгандек ялтироқ барглариии тортқилаб ўйнайди, буйдалайди, каёққадир шошади. Биз ҳам шошамиз. Қўлимизда адрес «1-Барнаул кўчаси, 7-уй». Йўлда бир-икки кишидан сўраб-нетиб излаган жойимизга яқинлашган ҳам эдикки, ичкаридан қотмадан келган новча бир киши чиқиб қолди. Бир-биримизга маъподор қараб қўйдик. Ҳақиқатан ҳам бу кишининг юз тузилишлари худа ўхшаб кетарди. Бироқ, ҳозирча бир нарса дейиш қийин: китобдаги расм ҳарбий кийимдаги киши бўлиб, қиёфаси жуда жиддий ва қаҳрамон эди, бу киши эса... Кўришдик. Ўзимизни таништик...

Гапни И. М. Журавскийнинг китобидан бошламоқчи бўлдик.

— Иброҳим ака! «Светлий Пруд» қишлоғи учун бўлган жангни гапириб берсангиз! Иброҳим ака ҳам бироз ўйлаб турди-да:

— Ушанда йигитлар душманнинг иккита тўпини ишдан чиқаришган эди,— деди.

Битта гап билан бизга айтилган бу жанг ҳақида Журавский шундай ёзади:

«...Батальонга полк командири ва артиллерия начальниги келди.

— Унда «Светлий Пруд» қишлоғига ҳужум бошланади. Вазифани бажаришга тайёрмисиз?— сўради Губанов.

— Қишлоқда немислар мустаҳкам ўрнашиб олган, артподготовка керак,— жавоб бердим мен,— ундан кейин ўнг томондаги қўшинимизнинг участкасидан ҳужумга ўтмоқ керак, чунки у томонда гитлерчиларнинг мудофааси кучсиз...

— Яхши... Агар душман танклари ҳужумга ўтса фақат танкларга етарли снаряд қолган. Ундан кейин қишлоққа қандай қилиб отамиз, ахир у ерда аҳоли бор-ку,— огоҳлантирди подполковник.

— Шунинг учун ўнг томондаги қўшинимиз ҳужум бошласа, биз тўплардан ўт очиб ёрдам берамиз, ундан кейин рўпарадан ҳужумга ўтамиз.

Эрталаб соат тўққизда команда пунктига новча, кўкракдор полковник келди:

— Бир соатдан кейин «катюша» келади, унинг залпи ҳужум учун сигналдир,— деди.

Бу гал гвардиячи- миномётчи «катюша»нинг қаёққа отаётгани биз учун тушунарли эди. Миномётчилар бизнинг совет граждонлари ўз озодлигини интизорлик билан кутиб ётган қишлоқни куйдириб юборишни истамадилар. Шунинг учун ўт аланга си бизнинг тепамизда ёлқинланар, қишлоқни ошиб ўтиб немисларнинг узоқ ички томонида портларди.

Бу ҳужум учун сигнал эди, лекин душман шундай кучли ўт очдики, ҳеч ким ердан бошини кўтара олмай қолди. Бизнинг олдинги қисмларимизга снарядлар, миналар, ўқлар ёмғирдай ёғиларди. ғўё фашистлар бор кўрғошин запасларини бизнинг роталаримиз устига сочаётгандек туюларди.

— Днепр! Днепр! Биринчини беринг!— кучим борича қичқирдим трубкага.

— Эшитаман сени, капитан,— жавоб берди подполковник «сир»ни унутиб.

— Нима қилиш керак?

— Кутиш керак,— деди подполковник хотиржамлик билан. Унинг бу сўзларидан киши анча енгил тортди.

— Биринчи! Биринчи, эшитишингизни сўрайман. Менинг қоқ рўпарамда ойнасининг ости да икки туп олмали уй бор. Ёнида сарой. Гитлерчилар худди ўша ердан туриб тўпдан ўқ очмоқдалар. Артиллернячиларимизга айтинг янчиб ташласин!

— Хўп, капитан уриниб кўрамиз. Содиқов!— подполковникнинг бошқа телефондан гаплашаётгани эшитилиб турарди —кўраяпсанми, тўп шу саройдан отаяпти. Парво қилма, танкларга ҳам етади.

Ниҳоят, 76 миллиметрли тўпларимизнинг овози эшитилди. Содиқовнинг «хўжалиги» ишга тушган эди. Снаряд биринкетин олмали уй ёнида портлади. Ана, фашистлар югуриб қолишди! Сал чапроққа тушса жуда соз бўларди-я. Лекин буни алоқа ишламаётган бир пайтда қандай қилиб айтиш керак? Лекин артиллернячиларнинг ўзлари буни ҳал қилишлари керак. Содиқов ажойиб мутахассис, ўз ишининг устаси...

Иккинчи снаряд сарой томини қўпориб ташлади. Қопқора тутун осмонга кўтарилди, аланга кўриниди. «Қойил!»,— қичқириб юбордим мен, гўё артиллернячилар мени эшитаётгандек. Душманнинг бир тўпи яксон қилинди. Энди ҳув уёққа, янада чапроққа, у ердан ҳам фашистлар бемалол ўт очишмоқда. Артиллерия бошлиғи ўша ёққа ҳам ўт очишга буйруқ берармикан ёки снарядларни аярмикан?

Подполковник снарядлар оз деб огоҳлантирган эди... Мана яна бир ўқ узилди. Ўша ёққа! Маълум бўлдики, бу тўпни Содиқов сезиб қолган. Жуда соз! Учинчи бор отилганда мўлжалга тегди. Гитлерчилар худди қопга тушиб қолгандек эсанкираб қолишди ва қурол ҳамда юкларини ташлаб қочиб қолишди».

Бу жанг артиллериячи капитан Иброҳим Содиқовнинг оловли уруш йўлларида босиб ўтган қадамларидан фақат биргинасидир, холос. Биз эса кўпроқ нарсани билишни истардик.

— Айтингчи, полк Ботно кўли олдида тўхтаб қолганда сиз нима иш қилгансиз?

— Разведкачиларимизни ўққа тутаётган душманнинг ўт очиш нуқталарини йўқ қилишга қатнашганман.

Яна ўшандай, камтарона жавоб.

Буни Журавский шундай тасвирлайди:

«Полк Ботно кўли ёқасида тўхтаб қолди. У томонда нима ган! Гитлерчилар мудофааси қаерда? Унинг кучи қандай? каби минг хил саволлар ҳаммани ҳаяжонга солади. Полк штаби ҳам етарли маълумотга эга эмас эди. «Тил» тутиб келиш зарур. Лекин, қандай қилиб қўлдан ўтиш мумкин? Ахир кўлнинг у бетида фашистлар бизни пойлаб ётишибди. Ундан ташқари икки километр масофани сузиб ўтиб бўлармикан?



Кутилмаганда Ботно кўли орқали биз томонга икки украин ўтиб келганини айтиб қолишди. Тезликда ота-бола Паскарлар билан гаплашдик. Улар қандай қилиб биз томонга ўтишгани, кўлнинг нариги томонида нималар кўришганини муфассал сўзлаб беришди ва харитадан кўрсатишди.

Разведка учун берилган буйруқда шундай дейилган эди: соат 5 да лейтенант Сальников ва разведкачилар группасига, шунингдек йўл бошловчи ўртоқ Паскарга учинчи батальон ҳимоясида қўлдан ўтиш ва гитлерчиларнинг дзотн олдидан чиқиб, қўққисдан ўқ узмай, душман кузатувчисини қўлга олиш буюрилган эди. Маълумки, жанг бўлиб, қолғудай бўлиб қолса артиллерия бошлиғи Содиқовга уч батареядан баравар ўқ узиб, душман дзотини яксон қилиш буюрилган эди. Қизил ракета артиллернячилар учун сигнал бўлиши керак. Шунинг учун ҳам артиллерия бошлиғи Содиқов разведка тугагунча кузатув нуқтида бўлди. Ниҳоята юзик ва қалтис бу вазифани бажаришда капитан Содиқов ўз санъатини яна бир бор намойиш қилди.

Разведкачиларимиз усталик билан маскировка қилинган қайиқда қўлдан ўтиб кетишди. Бир пайт кўлнинг нариги томонидан қизил ракета осмонга кўтарилди. Жанг бошланган эди. Содиқов вазмнлик билан, аммо шошилинч:

— Биринчи, иккинчи, учинчи- ўт оч!— деб буйруқ берди. Тўплар шиддатли ўт очди, кейин гвардия миномётчилари ишга тушди. Содиқов стереотрубага ёпишиб олган эди. Уни «снарядлар қаерга тушаркин?» деган савол қийнарди. Дарвоқе, жуда арзимаган кичик бир хато разведкачиларимизни маҳв этиши мумкин эди. Худди шу пайт душман миномётлари ҳам кўлга ажал ўтини ёгдира бошлади. Бу йигитларимизнинг кимнидир олиб келишаётганини англатарди. Душман миномётларини яксон қилиш Содиқовга топширилди. Содиқов душман томон бироз жиддий қараб турди-да, бор овози билан.

— Учинчи! Ориентир беш, икки взвод билан беш снаряд — ўт оч!!!

Атрофни фақат тўпларнинг гумбирлаши тутиб кетди. Капитан Содиқов фашистларнинг шохидан бураб ураётган эди».

Сталинград шаҳри, Курск Дугаси учун бўлган ҳал қилувчи жанглар ниҳоятда даҳшатли бўлгани барчага аён. Иброҳим ака ана шу шаҳарларнинг ҳар бир қарич ери учун жон олиб, жон берилганини эсласа, ҳаяжондан бутун вужуди титраб кетади.

Мана, Голая Долина деган жой. Бу жой неча бор бизнинг қўлимиздан душман қўлига, душман қўлидан бизнинг қўлимизга ўтиб турди. Уни жангчиларимиз «Долина смерти» (ўлим воднйси) деб аташлари бу жойлардаги жанглар қандай бўлганини қисман бўлсада, эслатиб туради. Айтишларича, бу водийда ҳар бир немис солдатига саккиз тонна металл тўғри келган! Бу жангда алоҳида ўрнак кўрсатгани учун Иброҳим ака Содиқов Жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Одесса учун бўлган жангларчи? Одессани озод қилишда Иброҳим аканинг тўплари озмунча хизмат қилмаган. Неча бор контузия бўлди, яраланди, сал тузалиши билан яна жангга отланарди.

Мана, қўлимизда Болгария Халқ Республикаси Олий Совети томонидан берилган медаль ва болгариялик дўстларимизнинг Иброҳим акани ўз юртларида меҳмон бўлишга чорлаб йўллаган таклиф қоғозлари.

Мана, Бендера шаҳрининг аҳолисини Иброҳим акага кўрсатган миннатдорчилиги. Иброҳим акани Бендера шаҳрини фашистлардан тозалашдаги зўр хизматларини қадрлаб, халқ уни ўз шаҳрининг фахрий граждани қилиб сайлади. Иброҳим ака бу билан ҳақли равишда фахрланади.

Булардан ташқари Иброҳим ака икки марта Қизил Байроқ ордени Қизил Юлдуз орденлари, қатор медаллар ва Запорожье шаҳри, Марганец темир йўл станцияси, Никополь шаҳри, Одесса шаҳарларини озод қилишдаги матонатлари учун Олий Бош қўмондонниг ташак курномасини олган.

У ҳозир Тошкент область ижроия комитети савдо бошқармасида етарший инспектор бўлиб ишлайди. Иброҳим ака ҳамон тиним билмайди. Ҳали армияга кузатилувчилар билан суҳбатда, ҳали бирон мактабда фахрли меҳмон. У ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда актив қатнашмоқда. Демак ҳали ҳам «ҳужум» давом этмоқда!

М. МУРОДОВ,
Т. ЗУФАРОВ.

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» НИМЧОРАК ФИНАЛДА

«Пахтакор» футболчилари СССР Кубоги учун Туланинг «Металлург» командаси билан бўлган иккинчи учрашувни яхши ўтказдилар. Ўйин ҳисоби (3:1) ҳам бундан далолат бериб турибди.

Меҳмонлар дарвозасига киритилган дастлабки икки тўп автори Иброҳимов бўлди. Биринчи сафар у Доценконинг штрафдан ошириб берган тўпини боши билан дарвозага туширди. Иккинчи тўп эса Исоқов—Мелкумов—Иброҳимов комбинациясидан сўнг киритилди. Учинчи тўп Исоқовнинг марказдан дадил ёриб кириши ва мўлжални аниқ нишонга олиши самараси бўлди. Тулаликларнинг ҳал қилувчи зарбалар беришда тажрибасизлиги сезилди.

Бу ғалаба билан «Пахтакор» СССР Кубогининг нимчорак финалига чиқди. Энди унинг рақиби Бокунинг «Нефтчи» командаси бўлади. «Нефтчи» ўз майдонида «Қайрат»ни қабул қилиб, 2:1 ҳисобида енгди.

Бу йилги Кубок мусобақаларида тасодифлар кам бўлмоқда. Асосан олий лига командалари курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритмоқдалар. Фақат Ростов армиячилари ва Донецкнинг «Шахтёр» командасигина бу ҳуқуқдан маҳрум бўлди.

Шундай қилиб, 13 май куни бўлган ўйинлардан сўнг нимчорак финалга қуйидаги 14 та команда чиқди: «Заря», «Динамо» (Киев), ЦСКА, «Зенит», «Торпедо» (Москва), «Динамо» (Минск), «Арарат», «Динамо» (Тбилиси), «Торпедо» (Кутаиси), «Авангард» (Тернополь), «Черноморец», «Жальгирис», «Нефтчи» ва «Пахтакор». Қолган икки ўринга «Динамо» (Москва) — «Автомобилист» (Житомир), «Спартак» (Москва)—«Труд» (Воронеж) командалари даъвогарлик қилишмоқда. Маълумки бу иккала жуфтликда биринчи ўйинлар 0:0 ва 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугаган эди. Кеча динамочилар Житомирда, мамлакат чемпионлари эса Москвада беллашишди.

СССР Кубогининг нимчорак ўйинлари 28 май ва 1 июнь кунлари бўлиб ўтади. Командалар ўз майдонида ва рақиблар майдонида куч синашишади. Чорак финалга иккала учрашувда кўп очко тўплаган коллектив чиқади.

С. МУСАЕВ.





Чилонзор район озиқ-овқат савдоси бўлими коллективи аҳолига хизмат кўрсатишни йилдан-йилга яхши ташкил этмоқда. Яқинда «Навбаҳор» дўкони фойдаланишга топширилди. Суратларда: (чапда озиқ-овқат бўлимининг мудири Н. Акмалова, (ўнгда) дўкон залида. Н. ТЎРАЕВ фотоси.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Дарёлар ва жилғалар оби ҳаётни қорли чўққилардан олади. Халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, ажойиб фазилатлари тенги йўқ ўрнак тимсоли бўлган улуғ доҳийнинг беғубор ҳаёт тонги, ҳамиша ғолиб таълимотидан бошланади.

Ҳа, шундай. В. И. Лениннинг оташ нафаси бахтиёр ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида, ҳар лаҳзада, қаҳрамон халқимизнинг фидокорлигида, мардонавор меҳнатида, эришаётган беҳисоб зафарларимизда баралла сезилиб турибди.

Бугун биз пойтахт область «Билим» ташкилоти аъзоларининг В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигига тайёргарлик кўриш даврида амалга оширган ишларига якун ясар эканмиз, шу нарсани қувонч билан қайд қиламизки, Ленин мавзуи тарғибот ва ташвиқот ишларимиз мазмунини бойитди, янги метод ва формалар пайдо бўлди.

Ташкилотимизнинг 7 мингдан зиёд аъзоси доҳийнинг инсоният олдидаги буюк хизматлари ва бебаҳо назарий меросидан меҳнаткашлар оммасини баҳраманд этишда активлик кўрсатиб ишлади. Областимиз шаҳарлари ва қишлоқларида ташкил этилган консультация, суҳбат, савол-жавоб, тематик кечалар, семинар, назарий конференциялар ғоявий жиҳатдан юксак даражали, мазмунли ва таъсирчан бўлиши учун ҳамма чораларни кўрдик. Бу ишга пойтахт олий ўқув юртларининг профессор ўқитувчилари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-текшириш институтларидаги мутахассислар жалб этилди.

Юбилей олди лекция пропагандасида фалсафа фанлари докторлари Қўчқор Хоназаров, Абдураҳмон Ортиқов, тарих фанлари доктори Қодир Фозилхўжаев, санъатшунослик фанлари кандидати Лола Хўжаева, тарих фанлари кандидатлари Бахритдин Маннонов, Абдумалик Раззоқов, Абубакир Каримов, фалсафа фанлари кандидати Эркин Гулметов, Муҳиддин Далиев, Исомиддин Эрбўтаев, Пўлат Ҳамидов каби ўнлаб олимлар фаоллик кўрсатдилар.

Шунингдек табаррук инсон — Ленинни кўриш ва унинг оташин революцион нутқларини эшитиш бахтига мушарраф бўлган, ҳозирда эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган революция ва граждан уруши ветеранлари М. Бақоев, Е. Нагаев, Ю. Буховер, Н. Ризаев, Ф. Владимирский, меҳнат ветеранларидан З. Раҳмонзода, О. Қодиров, Р. Ёқубов, В. Мандральский, З. Назорова сингари ўртоқлар «Билим» жамияти ташаббуси билан уюштирилган турли назарий ва тематик кечаларда актив иштирок этдилар. Улар ўша оловли йиллар хотираларини тингловчиларга зўр ҳаяжон ва мароқ билан ҳикоя қилиб беришди. Шу тариқа халқимизни, айниқса ёшларимизни ота-боболаримизнинг революцион анъаналарига чуқур ҳурмат, Ленин васиятлари ва ғолиб таълимотига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўтган йили колхозлар ва совхозлар, завод ва фабрикалар, ишчи посёлкалари ва маҳаллаларда Ленин тематикаси бўйича 10 мингдан ортиқ лекция ўқилди. Албатта гап ўқилган лекциялар сонида эмас, бироқ шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, Ленин тематикаси лекция ва суҳбатларимиз мазмунини бойитди, тингловчиларда катта қизиқиш туғдирди.

Колхоз, совхоз, завод, фабрика, мактаб, ўқув юртлари ва бошқа турли ташкилотлардаги маҳаллий лекторларимиз ҳам жамиятимиз фаолиятини жонлантириш ишига актив ёрдам бериб келмоқдалар. Бўстонлиқ районидан А. Раҳимбердиев, Ўрта Чирчиқдан Р. Отақулов, Бекобод районидан И. Зокиров, Чирчиқ шаҳридан Г. Ксензов, Калинин районидан Х. Асқаров ва жойлардаги бошқа тарғиботчиларнинг бу соҳадаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Лекция пропагандасида Ленин тематикаси доимийдир. КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» бағишланган Тезислари, шунингдек, В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб Москвада ўтказилган қўшма тантанали мажлис материаллари биз, лекторлар учун нещда муҳим амалий қўлланма бўлиб қолди. Бу тарихий хужжатларни бундан буён ҳам омма орасида ҳар томонлама тарғиб этиш ниятидамиз.

Бугун пойтахт область «Билим» жамиятининг конференцияси бўлади. Областимиз зиёлиларининг вакиллари ўз анжуманларига тўпланиб, ташкилотимизнинг Ленин юбилейига тайёргарлик кўриш даврида қилган ишларига якун ясайдилар, тўпланган тажрибаларни умумлаштирадилар ҳамда бундан буёнги олдимизда турган вазифаларни белгилайдилар.

Ҳеч шубҳа йўқки, доҳий юбилейига тайёргарлик кўриш кезларида лекция пропагандасида катта тажриба орттирдик. Бу тажриба келгусида омма орасида олиб бориладиган тарғиботчилик ва ташвиқотчилик ишларимизда бизга катта ёрдам беради.

Э. ЮСУПОВ,
«Билим» жамияти Тошкент область ташкилоти президиумининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА

ВАРШАВА, 13 май. (ТАСС). Бугун бу ерда Польша ҳукуматининг бошлиғи Ю. Циранкевич раислигида ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг XXIV сессияси ишини давом эттирди. Сессия ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва кучайтириш планларини муҳокама қилмоқда.

Сессияда ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар делегацияларининг раҳбарлари — ҳукумат бошлиқларининг, шунингдек бу мамлакатлар планлаштирувчи органлари раҳбарларининг нутқлари тингланди.

МАҚСАД—ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК

КАМПАЛА, 13 май. (ТАСС). Угандада чиқадиган «Пипл» газетаси Осиё ва Африка мустақил мамлакатларидаги экономиканинг асосий тармоқларини давлат ихтиёрига олишга чақиради. Африка ва Осиё мамлакатларида экономиканинг асосий тармоқларини давлат ихтиёрига олиш шу мамлакатлар ривожида янги босқични бошлаб беради, деб таъкидлайди газета. Сиёсий мустақиллик шу давлатларнинг ташкил топиши ва ривожланиши йўлидаги биринчи қадам бўлди. Эндиликда уларнинг олдида ҳар қандай қилиб бўлмасин иқтисодий мустақилликка эришиш вазифаси турибди.

Сомали, Ҳиндистон, Танзания ва Замбияда экономика устидан давлат контроли ўрнатиш юзасидан кўрилган чораларни «Пипл» газетаси табриклайди. Газетанинг ёзишича, Угандада ўтказилаётган иқтисодий тадбирлар мамлакат экономикасини мустамлака зулми, феодализм тугатилганлиги ҳамда миллий бирлик мустаҳкамланганлиги натижасида сиёсий шароитлар ўзгарганлигига мувофиқ ҳолга келтиришга қаратилган.

Прогрессив ҳукуматларнинг ўз мамлакатлари иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлидаги сиёсати капиталистик эксплуататорларнинг шиддатли қаршилигига дуч келмоқда, деб таъкидлайди «Пипл» газетаси. Ташқи кучлар ташкил этаётган давлат тўнтаришлари, арбобларни ўлдириш ҳамда зўравонлик ва сиёсий найранглар йўли билан ғайри қонуний режимларни ўрнатиб қўйиш ана шу қаршиликнинг кўринишларидир. Газета реакцион кучларнинг кўпорувчилик ҳаракатларига нисбатан Африка халқларини хушёр бўлиб туришга даъват қилади.

ИТАЛИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

РИМ, 13 май. (ТАСС). Италия Ташқи ишлар министрлиги расмий ахборот эълон қилди. Унда айтиладики, Ливан территориясидаги янги катта уруш ҳаракатлари тўғрисидаги хабарлар Италия Ташқи ишлар министрлигида жуда хавотирланиб кутиб олинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгаши якдиллик билан маъқуллаган ва Ливан территориясидан Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилишини талаб этувчи резолюцияни министрлик «тўғри йўлда босилган қадам» деб баҳолаган.



ВДР. Халқ ҳарбий-денгиз флоти кемалари жанговар походда.
ВИА—ТАСС радиофотоси.

ҚОБУЛДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

ҚОБУЛ, 13 май. (ТАСС). Бу ерда Кушан подшолиги (бу подшолик эрамиздан аввалги 1 аср бошларида Осиёда вужудга келган қулдорлик давлатидир) даврини ўрганишга бағишланган халқаро семинар очилди. Семинарда Афғонистон, Эрон, Покистон, Совет Иттифоқи ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг археологлари қатнашмоқдалар. Совет делегациясига Тожикистон ССР Фанлар Академиясининг президенти М. С. Осимов бошчилик қилмоқда.

Семинар қатнашчилари Афғонистондаги археология қазилмаларини ўтказишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикрлашиб оладилар. Шунингдек ўша даврга мансуб тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш проблемаларини муҳокама қиладилар.

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ семинар қатнашчиларига мактуб йўллаб, бу семинар ер юзининг шу қисмидаги халқлар ўртасида маданий ҳамкорликни кенгайтириш ишига қўшилган бебаҳо ҳисса бўлади, де бумид билдирди. Афғонистон бош министри Нур Аҳмад Эътимодий ҳам семинар қатнашчиларига табрикнома йўллади.

ИТАЛИЯДА УМУМИЙ ЗАБАСТОВКА

РИМ, 13 май. (ТАСС). Пьемонт областининг учта йирик шаҳри Турин, Алессандрия ва Новара шаҳарларидаги ишчи ва хизматчилар бугун ёппасига иш ташлай бошладилар. Мамлакатдаги муниципал ва вилоят кенгашларининг ходимларидан 600 минг киши курашга қўшилди. Кеча Италиянинг ҳамма қисмида темир йўлларда поездлар бир сутка қатнамади.

Римда кўча фаррошлари бир неча кундан буён ишга чиққанлари йўқ, шаҳар йўлкаларида ахлат уйилиб ётибди. Бу ахлатларни ҳеч ким йиғиштириб олмаётир.

Май ойида Италияда забастовка ҳаракати янада кучайиб кетди. Меҳнаткашлар забастовка ҳаракати давомида ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилиш билан чекланиб қолмаётирлар. Улар бутун мамлакат миқёсида бир қанча муҳим ислоҳотлар ўтказилишини — соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи системасини тубдан қайта қуриш, уй-жой қуриш учун ер участкаларини спекуляция мақсадида сотишнинг пайини қирқиш, жамоат транспортининг ишини тартибга солиш ва солиқ солиш системасини ўзгартишни ҳам талаб қилмоқдалар.

Мамлакатдаги учта энг йирик касаба союз ташкилоти— Италия умуммеҳнат конфедерацияси, Италия меҳнаткаш касаба союзлари конфедерацияси ва Италия меҳнат союзи иш ташлаган ишчилар ҳамда хизматчиларнинг талабларини кескин суратда қўллаб-қувватламоқдалар.

НАЦИСТ ЖАЛЛОД ҚОРА КУРСИДА

БОНН, 13 май. (ТАСС). Ашаддий нацист жаллод Франц Штангль иши юзасидан бугун Дюссельдорфда суд мажлиси бошланди. У иккинчи жаҳон уруши йилларида Собибур ва Треблинкадаги ажал қамоқ лагерларининг коменданти бўлган эди. Мана шу ерларда унинг бевосита раҳбарлиги остида нацист жаллодлар Европадаги турли мамлакатларнинг вақтинча босиб олинган территорияларидан ҳайдаб келтирилган жами салкам 950 минг маҳбусни ғоятда ваҳшийлик билан ўлдирган эдилар. Штангль 1942-1943 йилларда Треблинкадаги лагерда комендант бўлиб турган пайтида газ камераларининг кўпроқ одам ўлдириши учун бир қанча техникавий «такомиллаштиришлар» киритган эди. Юқори мансабдор бошлиқларнинг таърифига кўра, Штангль «лагернинг намунали коменданти сифатида операцияда (яҳудийларни кўплаб қиришда) жуда актив қатнашган». Нацист ёвуз ана шундай «жонбозлиги» учун СС хауптштурмфюрери даражасига кўтарилган ва «хизматлари учун» крести билан мукофотланган эди.

Гитлерчилар фашизми тормор этилганидан сўнг нацист жаллод қасос олинишидан яшириниб Бразилияга қочиб кетган эди. Бу ерда у Ғарбий Германиядан «фольксваген» автомобиль концернининг филиалларидан бирига хизматга олинган эди. Штангль 1967 йилга келибгина қамоққа олинди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35—Болалар учун кинофильм. 18.50—Телеянгиликлар. 19.05—Халқ контроли экрани. 19.35— Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 19.45—Телеянгиликлар. 20.00 — «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси. 20.30 — Ҳамза номли ўзбек Давлат Академик драма театрининг 50 йиллиги олдидан. «Афишалар тилга кирганда».

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ.

18.00—Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тилидан 33-машғулот. 18.30 — Ота-оналар учун консультация (рус тилида). 19.00—Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Сиёсий иқтисод (ўзбек тилида). 19.20—Инглиз тилидан 33-машғулот.

20.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00—«Сўнгги кўчув» (Бадиий фильм, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00—«Иккидан еттигача» (Телефильм, ўзбек тилида).

Рус тилида: 21.00— «Азимут» (Турист ўлкашунослик клуби) 21.40—«Улик жонлар» (Телеспектакль,2 қисм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 15/V да Травиата, 16/V да Тўй кунида.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/V да Бахт тўйи, 16 /V да Кумуш тўй.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15, 17/V Учинчи орзу.

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА—ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДАГИ БАЛЕТИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—ЛИЛИПУТЛАР ИШТИРОКИДА ЯНГИ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ ПРОГРАММАСИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

Мазандарон шери— «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик (2 серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Олтин—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ
(КУРАШ МАЙДОНИДА)

16—17 МАЙДА

кулги ва аския кечаси ўтказади

Қатнашадилар: Ҳажвия ва интермедияларда: Абулқосим ТУЙЧИЕВ, Одилжон ОҲУНЖОНОВ, Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ, Турсунбой ҲАКИМОВ.

Аскияларда: Айниддин ЗАЙНИДДИНОВ, Қодирхон ФОЗИЛОВ, Жалолиддин РАҲИМОВ ва бошқалар.

Кечада Жўрахон РАҲИМОВ, Олимжон ОРИФЖОНОВ ва 12 ёшлик хушовоз хонанда Содиқжон ХЎЖАЕВ ва бошқалар қатнашади.

Беғубор кулги сизга ҳамиша бахтиёрлик бахш этади.

Кечамизда фақат куласиз.

Дўстлар, кулги ва аския кечасига шошилинг.

Кулги ва аския кечаси кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

26 май кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг фалсафа ва сиёсий иқтисод кафедралари ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Навоий кўчаси 36 уй, акт зали)да иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ю. Қ. Йўлдошев: «Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва улардан самарали фойдаланиш» деган темада.

фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун,

Н. Г. Ҳафизов: «Капитализм босқичини четлаб, социализмга ўтаётган мамлакатларда синфий антагонизмларнинг тугатилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4 уй)да танишиш мумкин.

Корхоналар, турар-жой эксплуатацияси конторалари ва Тошкент шаҳар гражданлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш Министрлигининг «Таштеплосеть» марказлаштирилган иссиқлик таъминоти корхонаси системасига уланган турар—жой уйлари ва Тошкент шаҳар марказлаштирилган иссиқлик таъминоти объектларида рўй берадиган дефектларни бартараф қилиш йўлларини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Турар-жой уйларида иссиқлик таъминотининг нормаль ишлаши бузилганда, аҳоли турар жойларидаги ЖЭКга маълум қилишлари лозим;

ЖЭК хизмати зонасига кирмайдиган участкаларда иссиқлик таъминоти ишдан чиққанда ЖЭК лозим бўлган «Таштеплосеть» корхонасининг район тармоқларига ёки «Таштеплосеть» диспетчерига ариза бериши керак.

Аризалар ҳар куни эрталаб 8 яримдан кундуз 5 гача қуйидаги адресларда қабул қилинади;

Марказ (1 район тармоғи) —Сапёрний кўчаси, 33 уй;

Чилонзор массиви (2 район тармоғи)— 6 квартал, 31 уй, 1 хона;

Шимоли—Шарқ ва Черданцев массивлари —(3 район тармоғи) —«Комсомол 40 йиллиги» кўчаси, 2 район қозонхонаси, телефон 66-55-34;

Қорақамиш массиви (4 район тармоғи)—17 уй, 64 хона, телефон 33-96-68, қўшимча 9.11.

(Тошкент шаҳар бўйича «Таштеплосеть» диспетчери)

Чилонзор массиви, Муқимий кўчаси, 172 уй, телефонлар; 77-48-33, 77-78-13, қўшимча 10.

Магистраль ва кварталлардаги иссиқлик тармоқларида авария юз берганда ЖЭКлар ва гражданлар «Таштеплосеть» диспетчерига бутун сутка давомида хабар қилишлари шарт.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ «МЕТАЛЛОБИТРЕМОНТ» КОМБИНАТИ

АҲОЛИГА ҲАМДА КАСАЛХОНА, МАКТАБ, БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ВА ЯСЛИСИ, ЁТОҚХОНА, КЛУБ, ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИ, ОФИЦЕРЛАР УЙИ, КУТУБХОНА, МЕҲМОНХОНА, ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИГА ҚУЙИДАГИ

ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ

эшик ва деразаларнинг икки ёққа очиладиган Москва типидаги карнизлар, никелланган карнизлар, девор ва хона вешелкалари, тахланадиган хўжалик сим сумкалари, печь қобиғи, тирсаги, трубалари, духовкалари, белкурак, самовар карнайлари, миллий подносдар, товуқлар учун тўрлар, автомашина учун металл гаражлар, автомашина ғилдиракларини учун лаиланган қалпоқчалар, темир дарвозалар, идишларни қуритгичлар, деворга ўрнатилган пойафзаллар учун подставкалар, арғимчоқлар, баланд жойлар, скамейкалар, қум ҳовличалар, кетмонлар, тешалар, деразага тўсиқлар ҳамда металл буюмлари ва тавсия қилинган чизма, эскиз бўйича инвентарларни тайёрлайди.

Тикув машиналари, велосипедлар, мотовелосипедлар, электр асбоблари, самоварлар, примуслар, раскладушкалар, стабилизаторлар, автотрансформаторлар, электр моторлари ва бошқа металл буюмларини тузатади.

Пичоқ, қайчи, соч оладиган машинка, кетмон, теша, болталарни чархлайди, консерва банка қопқоқларини қайта ишлайдиган ва буюмларни никеллаш ишларини бажаради.

Қабул пунктлари ва устахоналари шаҳар ва ҳамма район бозорларида мавжуд.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг медицина хўжалик таъминоти бош бошқармаси коллективи бошқарманинг кекса хизматчиси А. Набиевга онаси

Манзура МИРСОҒАТОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзил изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри

Г. 1645. ИНДЕКС — 64697. Р — 02513